



БАҲОЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ СЧЁТЛАРИДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бутунов Шаймардан

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0004-1998-7404

berdiyurovshaymardon@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада баҳоланган мажбуриятлар ҳисобида мавжуд муаммолар қайд қилинган. Халқаро стандартларга мувофиқ баҳоланган мажбуриятларнинг турлари, уларни тан олиш ва баҳолаш тартиби такомиллаштирилган. Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиш мақсадида амалдаги счётлар режасига тааллуқли счётларни очиш ва уларни юритиш тартиби келтирилган. Баҳоланган мажбуриятлар ҳисобига оид бухгалтерия ишланмалари тавсия этилган. Ушбу тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши баҳоланган мажбуриятларни халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобга олишни таъминлайди.

Калит сўзлар: баҳоланган мажбуриятлар, жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар, молиявий ҳисобот, KPI кўрсаткичлари, кафолатланган хизмат кўрсатиш бўйича баҳоланган мажбуриятлар.

ВИДЫ ОЦЕНЕННЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА ИХ ОТРАЖЕНИЯ В БУХГАЛТЕРСКИХ СЧЕТАХ

Бутунов Шаймардан

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье отмечены существующие проблемы в учёте оценённых обязательств. В соответствии с международными стандартами усовершенствованы виды оценённых обязательств, а также порядок их признания и оценки. Представлен порядок открытия и ведения счетов, относящихся к действующему плану счетов, с целью учета оценённых обязательств. Рекомендованы бухгалтерские разработки, связанные с учетом оценённых обязательств. Применение данных рекомендаций на практике обеспечит учет оценённых обязательств в соответствии с международными стандартами.

Ключевые слова: оценённые обязательства, организации, имеющие общественную значимость, финансовая отчетность, KPI-показатели, оценённые обязательства по гарантированному обслуживанию.

TYPES OF PROVISION LIABILITIES AND IMPROVEMENT OF THEIR ACCOUNTING IN BOOKKEEPING ACCOUNTS

Butunov Shaymardan

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *This article highlights existing problems in the accounting of provision liabilities. In accordance with international standards, the types of provision liabilities, as well as the procedures for their recognition and measurement, have been improved. The article outlines the procedures for opening and maintaining accounts related to the current chart of accounts for the purpose of recording provision liabilities. It also provides recommended accounting practices for handling provision liabilities. The implementation of these recommendations in practice will ensure that provision liabilities are accounted for in accordance with international standards.*

Keywords: *provision liabilities, public-interest entities, financial reporting, KPI indicators, provision liabilities for guaranteed service.*

Кириш.

Мамлакатимизда халқаро стандартларни жорий қилиш давр талаби ҳисобланади. Халқаро инвесторлар молиявий ҳисоботни уларга тушунарли бўлган воситаларда тайёрлашни талаб этади. Инвестициявий муҳитни яхшилашнинг энг муҳим омилларидан бири бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) жорий қилиш бўлиб ҳисобланади. Бу масала янада долзарб масалага айланмоқда. МҲХСларга ўтишни янада жадаллаштириш ва тизимли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги №282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Қарорда: “...молиявий ҳисоб тизимига халқаро талаб ва стандартларни жорий этишга қаратилган ислохотларни давом эттиришнинг навбатдаги босқичи сифатида жамият ва иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг молиявий ҳисоботлари, аудити ва бошқарувига алоҳида талаблар белгиланадиган Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар (Public interest entities - PIE) ҳуқуқий мақомини жорий қилиш” (lex.uz, n.d.) ва бошқа қатор вазифалар белгиланди.

МҲХСларини жадал жорий қилиш мақсадида молиявий ҳисобот элементлари ҳисобланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг услубий тартиб қоидаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида молиявий ҳисоботнинг ҳар бир элементи таркибий қисмларига алоҳида ёндашувни талаб этади. Мажбуриятлар ҳисобини халқаро даражага кўтариш ушбу масалалар ечимидаги асосий нўналишлардан ҳисобланади. Мажбуриятлар ҳисобидаги долзарб масалаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

мажбуриятларни таснифлашда янгича ёндашув бўлиши керак. Бугунги кунда мажбуриятларни халқаро стандартларга мувофиқ равишда савдо мажбуриятлари, баҳоланган мажбуриятлар ҳамда молиявий мажбуриятларга таснифлаш;

халқаро стандартлар асосида баҳоланган мажбуриятларни таърифи, тан олиниши ҳамда баҳоланиш услубиётини такомиллаштириш;

баҳоланган мажбуриятларни молиявий ҳисоботда акс эттириш услубиётини такомиллаштириш

Адабиётлар шарҳи.

Баҳоланган мажбуриятлар резервлар ҳам деб талқин қилинган. Робин ДЖойс (2017) банклар мисолида резервларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобларда акс эттириш тартибини баён қилган. 37-БҲҲС (2022) “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли активлар ва шартли мажбуриятлар” стандартида “Баҳоланган мажбурият (резервлар) - бу ноаниқ бажариш муддатига ёки ноаниқ қийматга эга бўлган мажбуриятдир” деб таъриф берилган.

Фарманова (2024) “Бизнингча, ушбу БҲҲС, МҲҲС ва бошқа кўплаб стандартлар асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мажбуриятларни қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқ: Савдо кредиторлик қарзи; Ҳисобланган мажбуриятлар; Қарзлар бўйича мажбуриятлар; Баҳоланган мажбуриятлар; Шартли мажбуриятлар”. Муаллиф баҳоланган мажбуриятга қуйидагича таъриф беради: “Мавжуд жавобгарлик бўлганлиги ва жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли мажбуриятлар сифатида тан олинган мажбуриятлардир.”

Жаббарова (2024) “Демак, баҳоланган мажбуриятни тан олишда дастлаб унинг жавобгарлик мавжудлиги баҳоланади. Шундан сўнг, жавобгарликни сўндириш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли ҳам мавжуд эканлиги ўрганилади. Бунда мавжуд жавобгарликнинг борлиги эҳтимоли бўлмаганда, ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиш эҳтимоли кам бўлмаса баҳоланган мажбурият сифатида тан олинмайди, аммо шартли мажбурият сифатида ёритиб берилади. Юқоридаги иккита мезонга жавоб берадиган мажбуриятларни тан олишда фойдаланиш учун етарлича ишончли бўлган жавобгарликнинг ҳисоб баҳосини аниқлаш лозим. Агарда жавобгарликнинг ҳисоб баҳосини аниқлаш имкони мавжуд бўлмаса, бундай мажбурият шартли мажбурият сифатида молиявий ҳисоботда ёритиб берилиши лозим”.

Кавтун (2025) Россиядаги ПБУ 8/2010 ҳужжатида баҳоланган мажбуриятларни тан олишнинг қуйидаги шартлари келтирилган: “1. Ташкилотларда жавобгарлик амал қилади, қайсики уни бажаришдан қочиб бўлмайди, у хўжалик фаолиятининг ўтган ҳодисалари натижасида юзага келади; 2. Мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ташкилотнинг келгусидаги иқтисодий нафининг камайиш эҳтимоли мавжуд бўлади; 3. Баҳоланган мажбуриятлар миқдорини асосли аниқлаш мумкин бўлади.”

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Амалиётда кенг тарқалган баҳоланган мажбуриятнинг асосий турларига қуйидагиларни киритиш мумкин. Уларни ҳисоблаш тартиби қуйидаги 1-жадвалда расмийлаштирилган.

Баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун сўтлар режасида баҳоланган мажбуриятлар учун ишчи сўтларни тавсия этамиз (2-жадвал).

Корхоналарнинг амалий фаолиятларни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги услубий тартиб қоидаларни таклиф этамиз:

Корхона ходимларига меҳнат таътили бўйича резерв ҳисоблаш тартиб қоидалари. Корхона ходимларга меҳнат таътили бўйича резервларни ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотларга эга. Ўтган 2024 йили маълумотлари бўйича Сатурн Металл МЧЖ компаниянинг ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси 560 450 500 сўмни ташкил этди. Ҳисобланган меҳнат таътили суммаси 67 254 600 сўм бўлган. 2025 йилда иш ҳақи суммаси 15%га оширилиш кўзда тутилган. Ижтимоий солиқ ставкаси 12%. Ушбу маълумотлар асосида 2025 йил учун режалаштирилаётган меҳнат ҳақи ва меҳнат таътили бўйича баҳоланган мажбурият суммасини ва бухгалтерия ёзувларида акс эттириш талаб этилади.

1. 2024 йил учун ҳақиқий меҳнат таътили бўйича ҳақ тўлаш ставкасини аниқлаймиз:

$$\text{Меҳнат таътили бўйича ҳақ тўлаш ставкаси} = \frac{67\,254\,600}{560\,450\,500} \times 100\% = 12\%$$

2025 йилга режалаштирилаётган меҳнат ҳақи суммаси:

$$\text{Режалаштирилаётган меҳнат ҳақи суммаси} = 560\,450\,000 \times 1.15 = 644\,517\,500 \text{ сўм}$$

2. 2024 йилга режалаштирилган меҳнат таътили резерви суммасини аниқлаймиз:

$$\text{Режалаштирилаётган меҳнат таътили резерви суммаси} = \frac{644\,517\,500 \times 12\%}{100\%} = 77\,342\,100 \text{ сўм}$$

3. Ижтимоий солиқ суммаси билан биргаликда таътил резерви суммаси:

$$77\,342\,100 \times 1.12 = 86\,623\,152 \text{ сўм}$$

4. Ҳар ойлик меҳнат таътили резервига ажратмалар суммаси:

$$\frac{86\,623\,152}{12} = 7\,218\,596 \text{ сўм}$$

Ушбу суммани бухгалтерия ёзувларида акс эттирамиз.

1-жадвал

Баҳоланган мажбуриятларнинг турлари ва ҳисоблаш тартиби

Баҳоланган мажбуриятлар турлари	БҲҲСлари асосида ҳисоблаш тартиби
Ходимларнинг фойдаланилмаган таътиллarga ҳақ тўлаш бўйича резервлар (баҳоланган мажбуриятлар)	Ходимларнинг олдинда турган меҳнат таътиллари бўйича резерв яратилади. Бунинг учун [(Режалаштирилаётган меҳнат ҳақи суммаси х меҳнат таътилига ҳақ тўлаш ставкаси) /100 %) х (1+суғурта тарифи) ҳисоб-китоблари амалга оширилади]
Йил якунлари асосида рағбатлантиришлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар	Натижаларни йиллик прогноз қилиш асосида ходимларнинг рейтинги, KPI кўрсаткичлари, эришилаётган натижаларга қўшган ҳиссаси йиллик рағбатлантириш суммалари баҳоланади
Кафолатланган хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича баҳоланган мажбуриятлар	Ўтган йиллар тажрибаларидан келиб чиқиб кафолат шартлари билан сотилган товарлар, маҳсулотлар, ишларнинг қиймати асосида уларнинг қайтарилишининг эҳтимоллик фоизи бўйича баҳоланади
Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар (суд натижаси бўйича ташкилот зарарига бўладиган ҳодисалар ҳам рўй бериш эҳтимоли бор)	Суд жараёнидаги муҳокамаларнинг бориши, корхона адвокатларининг вазиятни баҳолаши, судда ютиб чиқишнинг эҳтимолини баҳолаш, агарда суд жараёнлари узоқ муддатга чўзиладиган бўлса дисконтлаш амалга оширилиши мумкин
Табиатни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, ифлосланишини олидини олиш бўйича баҳоланадиган мажбуриятлар	Атроф-муҳитга етказилган зарарларни қоплаш бўйича қонуний мажбуриятларнинг юзага келиши ёки ташкилот ўзининг сиёсатида атроф-муҳитга етказилган зарарларни қоплаш харажатларини ўз зиммасига олиши. Базавой кўрсаткичлар, экология бўйича экспертлар хулосалари асосида баҳоланади
Зарар келтирувчи шартномалар	Обременитал шартномалар бўйича харажатларнинг олинadиган иқтисодий нафдан ошган қисми баҳоланган мажбурият деб тан олинади
Реструктуризация	Реструктуризация натижасида юзага келадиган жарималар бўйича мажбуриятлар баҳоланган мажбурият деб тан олинади

Манба: ade-solutions.com (n.d.)

Сатурн Металл МЧЖ томонидан ҳар ойда меҳнат таътили резерви суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т. 2010 Ишлаб чиқариш харажатлари.....7 218 596 сўм

К-т 6730 Меҳнат таътили бўйича баҳоланган мажбуриятлар...7 218 596

Асос: Натурел МЧЖ корхонасининг ҳисоб-китоблари асосида 2025 йил январь ойи учун 7 218 596 сўм меҳнат таътили бўйича резерв яратилди.

2025 йил февраль ойида 3 та ходимга меҳнат таътили берилди. Ушбу жараён қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6730 Меҳнат таътили бўйича баҳоланган мажбуриятлар...7 218 596 сўм

К-т 6710 Ҳақ тўлаш бўйича ходимлар олдидаги мажбуриятлар. 7 218 596

Асос: 2025 йил февраль ойида яратилган резерв ҳисобидан меҳнат таътили бўйича ҳақ 7 218 596 сўмга ҳисобланди.

2-жадвал

Баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар

Счёт рақами	Счётнинг номи
6730	Меҳнат таътили бўйича баҳоланган мажбуриятлар
6740	Йил яқунлари асосида рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятлар
6940	Кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар
6980	Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар
6990	Атроф-муҳитга етказилган зарарлар бўйича баҳоланадиган мажбуриятлар
6991	Бошқа баҳоланган мажбуриятлар

Кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар. Компания барча харидорларга сифатсиз ёки буюртмага мувофиқ келмайдиган товарлар сотган ҳолда пулини қайтариш мажбуриятини олган. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, харидорлар сотилган товарлардан 5 фоизини қайтарган ва уларга бу товарлар учун пули қайтарилган. Жорий йилда сотиш ҳажми 200 000 минг АҚШ доллариға тенг бўлган (Аверчев, 2011).

У ҳолда компания потенциал кафолатланган мажбуриятларни 10 000 минг АҚШ доллари сифатида баҳолаши мумкин. Бу баҳоланган мажбуриятларни компания келгусида аниқ юз берадими, фирма шу пулни қайтарадими, агар қайтарса қайси вақтда қайтаради бунинг олдиндан аниқлай олмайди.

Чакана савдо дўкони ўз харидидан нарози бўлган mijozларга харид қилган товари учун пулини қайтариш сиёсатини юритади, хатто бунинг қонуний мажбуриятлиги асоси бўлмаса ҳам. Дўкон пулини қайтариш сиёсати билан кенг машҳурликка эришган. Компания резерв яратиши шартми?

Мажбурият туғдирувчи ҳодиса бўлиб товарларни чакана сотиш ҳисобланади, қайсики юзага келган амалиётдан келиб чиқадиган мажбуриятни ҳосил қилмоқда. Холбуки, дўконнинг ушбу масала бўйича сиёсати mijozлар томонидан ҳам харид қилган товарларидан нарози бўлган тақдирларида дўкон ходимлари томонидан пулни ҳақиқатдан қайтарилишининг кутилишини вужудга келтирмоқда.

Ўтган йиллар тажрибасидан келиб аниқланганки, харидорларнинг ичидан бир қисми ўз харидидан нарози бўлиши ва ўз пулларини қайтариб олишни хоҳловчилар бўлиб чиқади. Бунга мувофиқ равишда қайтаришларнинг энг яхши баҳоланган суммаси миқдорида резерв яратилиши шарт.

Тан олиш натижаларини қуйидагича расмийлаштириш мумкин.

3-жадвал

Мажбуриятни туғдирувчи ҳодиса	Мавжуд жавобгарлик	Ресурслар-нинг чиқиб кетиши	Ишончли баҳолаш	Натижа
Товарларни чакана сотиш	Бор	Бор	Мумкин	Баҳоланган мажбурият

Қуйида халқаро стандартлар талабларини ўрганиш асосида кафолат хизмати буйича баҳоланган мажбуриятлар суммасини аниқлаш ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисоби счётларда акс эттириш тартибини компьютер олди-сотиси ва таъминоти билан шуғилланувчи “Computer Service Co” корхонаси мисолида кўриб ўтамиз.

Мазкур фирма 2024 йилда 150 та компьютерни бир йиллик кафолат муддати билан сотган. Компьютерларни ўртача сотиш нархи 850 АҚШ доллариға тенг. Йил давомида АҚШ долларининг ўртача курси 12820 сўмни ташкил этади. Компьютерларнинг сотиш нархига нисбатан ўртача кафолат харажатлари 2% ни ташкил этади. 2025 йил январь ойида 1 та компьютер дефекти борлиги учун қайтарилди. Ушбу дефектини тузатиш учун 1500.0 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари ишлатилди. Ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидаги тартибда кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. 2002 йил декабрь ойида ҳисобот даври давомида сотилган компьютерларга нисбатан вужудга келган баҳоланган мажбуриятлар:

Сотилган компьютерлар қиймати:

150 та x 850 АҚШ доллари x 12 820 сўм = 1 634 550 000 сўм

Кафолат бўйича баҳоланган мажбурият = $\frac{1\,634\,550\,000 \times 2\%}{100\%} = 32\,691\,000$ сўм

2. Кафолат бўйича баҳоланган мажбурият суммасиги бухгалтерия ёзувларида акс эттиради:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”.....32 691 000 сўм

К-т 6940 Кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар.....32 691 000

Асос: Сотилган компьютерлар асосида кафолат бўйича баҳоланган мажбурият суммаси ҳисоб-китоб қилиниб, 32 691 000 сўм эканлиги баҳоланди.

3. 2025 йил январь ойида қайтарилган компьютерни кафолат муддати ичида дефектларини тузатиш харажатлари акт асосида ҳисобланганда:

Д-т 6940 “Кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар”.....1 500 000 сўм

К-т 1030 “Эҳтиёт қисмлар”.....1 500 000

Асос: Кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар амалга оширилган 1 500 000 сўмлик таъмирлаш ишлари ҳисобидан камайтирилди

Резервлар ҳар ҳисобот санасида қайта кўриб чиқилиши ва жорий энг яхши баҳолашни акс эттириши учун тузатишлар киритилиши талаб этилади.

Artel компанияси совутгичлар ишлаб чиқаради ва уларни сотади. Уларни сотишда компания бузилган ҳолатларда кафолат беради. Кафолат муддати 5 йил. Жойларда компаниянинг сервис марказлари мавжуд. Кафолатнинг мазмуни шундан иборатки, агар сотилган совутгичларнинг бир қисмида носозлик бўлса, эҳтиёт қисмларини алмаштириб беради ёки совутгич ишламайдиган бўлса уни янгиси билан алмаштириб беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтган йиллар статистикаси бўйича 90% сотилган маҳсулотлар ҳеч қандай дефектга (камчиликка) эга эмас, 8 % тўғирласа бўладиган ишлаб чиқариш камчилиги бўлган, яъни эҳтиёт қисмларини алмаштириб берса бўладиган ҳолатда, 2% янгисига алмаштирилган. Ҳисобот даврида 20 000 дона совутгич сотилди. Совутгичларни алмаштириш қиймати 6 500 000 сўм, таъмирлаш ва эҳтиёт

қисмларини алмастириш 1 550 000 сўмга тушган. Барча ремонт ва алмастиришлар йиллар кесимида амалга оширилиши: биринчи йил – 10%; иккинчи йил – 15%; учинчи йил – 20%; тўртинчи йил – 25%; Бешинчи йил – 30%. Ташкилот томонидан қабул қилинган дисконтлаш ставкаси –12%.

Изоҳ учун: 2020 йилда 450 000 000 сўмга кафолат хизматлари амалга оширилди.

Ушбу маълумотлар асосида кафолат бўйича баҳоланадиган мажбуриятларни аниқлаймиз (4-жадвал).

4-жадвал

Artel компанияси бўйича сотилган совутгичлар асосида кафолат бўйича баҳоланган мажбуриятлар суммасини ҳисоблаш тартиби

Ҳолатлар	Эҳтимолли ҳиссаси, %	Ҳисобот даврида	Қиймати	Баҳоланадиган сумма
Ҳеч қандай дефектсиз	90	18 000	0	0
Таъмирласа бўладиган брак	8	1 600	1 550 000	2 480 000 000
Алماштирилади	2	400	6 500 000	2 600 000 000
Жами		20 000		5 080 000 000

Ушбу жадвал маълумотларидан аниқлаш мумкинки, совутгичларни кафолат бўйича баҳолаган мажбурият суммаси 5 080 000 минг сўмни ташкил этади. Ушбу суммасини йиллар кесимида акс эттириш ва баҳоланган мажбуриятларнинг дисконтланган қийматини аниқлаш талаб этилади. Бунинг учун ҳисоб-китобларни қуйидаги 4-жадвалда акс эттирамиз.

5-жадвал

Баҳоланган мажбуриятларнинг йиллар кесимида келтирилган қиймати ҳисоб-китоби

Йиллар	Йиллар кесими-да	Йиллар кесимида кутилаётган харажатлар	Дисконтлаш коэффиценти ($1/(1 + 0.12)^n$)	Баҳоланган мажбуриятлар-нинг келтирилган қиймати
2020	10	508 000 000	$1/(1 + 0.12)^1 = 0.8929$	453 593 200
2021	15	762 000 000	$1/(1 + 0.12)^2 = 0.7972$	607 466 400
2022	20	1 016 000 000	$1/(1 + 0.12)^3 = 0.7118$	723 188 800
2023	25	1 270 000 000	$1/(1 + 0.12)^4 = 0.6355$	807 085 000
2024	30	1 524 000 000	$1/(1 + 0.12)^5 = 0.5674$	864 717 600
Жами	100%	5 080 000 000		3 456 051 000

Ушбу жараёни бухгалтерия ёзувларида акс эттирамиз (6-жадвал).

6-жадвал

Кафолат хизматлари бўйича баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия
счётларида акс эттириш (2020 йилда)

Операция мазмуни	Счётларнинг боғланиши		Сумма
	Д-т	К-т	
1. Artel компанияси бўйича сотилган совутгичлар асосида кафолат бўйича баҳоланган мажбуриятларнинг келтирилган қиймати суммасига	9410	6940	3 456 051 000
2. Дисконтланган қийматнинг бир йиллик амортизация суммасига $[3\,456\,051\,000 \times 12\% / 100\% = 414\,726\,120]$	9610	6940	414 726 120
3. Баҳоланган мажбуриятларнинг камайтиши (резервдан 450 000 000 сўм ишлатилиши):	6940	1040	360 000 000
Эҳтиёт қисмлари ишлатилиши	6940	6710	80 400 000
Меҳнат ҳақи ҳисобланди	6940	6710	9 600 000
Ижтимоий солиқ			

**Атроф-муҳитга етказилган зарарлар бўйича баҳоланадиган мажбуриятлар
ҳисоби тартиб қоидалари.**

Нефть саноати компанияси атроф-муҳитга зарар етказди ва тозалаш ишларини шу мамлакатнинг қонунчилиги талаб қилган вақтдан эътиборан амалга оширади.

Компания фаолиятини бошқа бир мамлакатда юритади, қайсики унда атроф-муҳитга етказилган зарарни бартараф этишни талаб қилувчи қанунчилик ишлаб чиқилмаган. Компания эса бир неча йиллар давомида атроф-муҳитга зарар етказиб келган. 2023 йил 31 декабрь ҳолати бўйича аниқ бўлдики, атроф-муҳитни тозалаш ишларини талаб этувчи Қонун лойиҳаси янги йилдан эътиборан кучга киради. Компания резервни шакллантиришга мажбурми?

Мажбуриятни туғдирувчи ҳодиса бўлиб атроф-муҳитни ифлослантириш бўйича етказилган зарар ҳисобланади. Тозалаш ишларини талаб этувчи Қонун қабул қилиниши натижасида ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли юзага келмоқда. Шунга мувофиқ равишда атроф-муҳитни тозалаш ишларини сифатли амалга оширишга етарли бўлган маблағларнинг **энг яхши баҳоланган миқдорига резерв** яратилиши шарт.

Тан олиш натижаларини қуйидагича расмийлаштириш мумкин.

7-жадвал

Мажбуриятни туғдирувчи ҳодиса	Мавжуд жавобгарлик	Ресурслар- нинг чиқиб кеетиши	Ишончли баҳолаш	Натижа
Атроф-муҳитни ифлослантириш бўйича етказилган зарар	Бор	Бор	Мумкин	Баҳоланган мажбурият

Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар ҳисоби тартиб қоидалари.

Ташкилот ҳисобот санасидаги ҳолатда солиқ қонунчилиги бўйича текширув актига асосан низо бўйича суд иши амалга оширилмоқда. Ҳуқуқшунослик бўлими мутахассисларининг ҳулосаси бўйича қўшимча ҳисобланадиган солиқ суммаси 70% лик эҳтимол билан 350 000–400 000 минг сўм бўлади, 20%лик эҳтимоли балан ҳисобланадиган солиқ суммаси 400 000–450 000 минг сўм бўлади, 10%лик эҳтимол билан 450 000–500 000 минг сўм бўлади.

Ушбу маълумотларни жадвалда расмийлаштирамиз (8-жадвал).

8-жадвал

Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар (минг сўм)

Интервал	Ўртача миқдори	Эҳтимол фоизи, %	Баҳоланган мажбурият
350 000 – 400 000	375 000	70	262 500
400 000 – 450 000	425 000	20	85 000
450 000 – 500 000	475 000	10	47 500
Жами			395 000

Ушбу жараёнларни қуйидаги бухгалтерия ёзувида акс эттирамиз:

Д-т 9430 “Бошқа операцион харажатлар”.....395 000 000 сўм

К-т 6980 “Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар”..395 000 000

Асос: Солиқ масалалари бўйича суд низолари асосида ўртача миқдорни эҳтимоллий баҳолаш асосида 395 000 000 сўм миқдорида баҳоланган мажбуриятлар ҳисобга олинди.

Суднинг ҳал қилувчи қарори билан ташкилотга қўшимча равишда 350 000 000 сўм миқдорида солиқ ҳисобланди. Ушбу жараён қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали ифодаланади.

Д-т 6980 “Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар” 350 000 000

К-т 6410 “Бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар”..350 000 000

Асос. Суд яқунланди. Унинг ҳал қилувчи қарори билан ташкилотга 350 000 000 сўм солиқ ҳисобланди. Ташкилот ижро учун қабул қилди ва суднинг кейинги инстанциясига мурожаат қилмаслик бўйича қарор қабул қилди.

Суд низолари бўйича баҳоланган резерв суммаси 395 000 минг сўм эди. Суд қарори билан ташкилотга солиқ ҳисобланди. Ҳисобланган солиқ суммаси 350 000 000 сўмни ташкил этди. Ўртадаги фарқ ортиқча ҳисобланган мажбурият бўлади. Уни қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ҳисобдан чиқарамиз.

Д-т 6980 “Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар”..45 000 000

К-т 9390 “Бошқа даромадлар”.....45 000 000

Асос: Суд низолари бўйича фойдаланилмаган резерв суммаси 45 000 000 сўм бошқа даромадларга ўтказилди.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди.

1. Халқаро стандартларни тадқиқ қилиш асосида баҳоланган мажбуриятларнинг турлари ва уларни аниқлаш тартиби келтирилди. Уларнинг асосий турларига қуйидагилар киритилди: Ходимларнинг фойдаланилмаган таътилларга ҳақ тўлаш бўйича резервлар (баҳоланган мажбуриятлар); Йил яқунлари асосида рағбатлантиришлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар; Кафолатланган хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича баҳоланган мажбуриятлар; Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар (суд натижаси бўйича ташкилот зарарига бўладиган ҳодисалар ҳам рўй бериш эҳтимоли бор); Табиатни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, ифлосланишини олидини олиш бўйича баҳоланадиган мажбуриятлар. Уларнинг ҳар бирини тан олиш ва аниқлаш тартиби очиб берилди.

2. Амалдаги счётлар режасида баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олиувчи счётлар етарли эмаслигини ҳисобга олиб баҳоланган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар тавсия этилди. Уларга қуйидаги счётларни киритиш мумкин: 6730 “Меҳнат таътили бўйича баҳоланган мажбуриятлар”, 6740 “Йил яқунлари асосида рағбатлантириш бўйича баҳоланган мажбуриятлар”, 6940 “Кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар”, 6980 “Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар”, 6990 “Атроф-муҳитга етказилган зарарлар бўйича баҳоланадиган

мажбуриятлар”, 6991 “Бошқа баҳоланган мажбуриятлар”. Ушбу счётларга доир бухгалтерия ишланмалари таклиф этилди.

3. Корхона ходимларига меҳнат таътили бўйича резерв ҳисоблаш тартиб қоидалари, кафолатланган хизматлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар, Атроф-муҳитга етказилган зарарлар бўйича баҳоланадиган мажбуриятлар, Суд низолари бўйича баҳоланган мажбуриятлар ҳисоби тартиб қоидалари корхоналарнинг амалий мисолларида ишлаб чиқилди.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши баҳоланган мажбуриятларни халқаро стандартлар асосида баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш имкониятини яратади.

Адабиётлар /Литература/References:

ADE Solutions (n.d.) *Оценочные обязательства в МСФО и РСБУ* [online]. Available at: <https://www.ade-solutions.com/msfo/articles/otsenochnye-obyazatelstva-v-msfo-i-rsbu/>

Аверчев, И.В. (2011) *МСФО. 1000 примеров применения*. Москва: Рид Групп, 386 б. Муаллиф томонидан қайта ишланган.

Джойс, Р. (2017) *МСФО 37. Резервы, условные обязательства и условные активы. Учебные пособия по МСФО* [online]. Available at: <https://finotchet.ru/articles/1270/>

Жаббарова, Ч.А. (2024) ‘Мажбуриятларни тан олишнинг айрим жиҳатлари’, *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, январь, 348 б.

Ковтун, М.В. (2025) ‘Оценочные обязательства и оценочные резервы’, МНИЖ “Прогрессивная экономика”, 1 [online]. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenochnye-obyazatelstva-i-otsenochnye-rezervy-analiz-otsenochnyh-obyazatelstv-po-oplate-truda/viewer>

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги №282-сон “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори* [online]. Available at: <https://lex.uz/uz/docs/7728924>

Фарманова, З.Т. (2024) ‘Замонавий бухгалтерия ҳисоби ва халқаро бухгалтерия ҳисобида мажбуриятларни таснифлашнинг ўзига ҳос хусусиятлари’, *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali*, 4, июль–август (№ 00072), 6 б. Available at: <http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>